ҲАМКОРЛИК ШАРТИОМАСИ

2025 йил “ 3 ” январ № 69 Тошкент шаҳри

ПРЕАМБУЛА

Мазкур ҳамкорлик шартномаси “BRILLIANCE TOUR” МЧЖ ва Тошкент давлат шарқшунослик университети (бундан буён матнда ТДШУ деб юритилади) ўртасида, бундан буён матнда Томонлар деб юритилади, “BRILLIANCE TOUR” МЧЖ салоҳиятидан университетда туризм соҳасида янги авлод кадрларини мақсадли тайёрлашда фойдаланиш, иқтидорли ёшлар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш, уларни қўллаб-қувватлаш, замонавий таълим дастурлари яратиш, шунингдек бошқарув, инсон ресурсларини бошқариш, кадрлар салоҳиятини ошириш йўналишлари бўйича амалий ва услубий жиҳатдан кўмаклашиш, амалиёт ва стажировкалар ташкил этиш, инновацион илмий тадқиқотларга оид фаолиятии такомиллаштириш бўйича ўзаро фойдали манфаатлар асосида тузилган.

1-модда. ҲАМКОРЛИК ШАРТИОМАСИИИГ МАҚСАДИ

Ушбу ҳамкорлик шартномасининг мақсади Томонлар ўртасида мамлакатимизда туризм фаолиятини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларга мос ҳолда, туризм соҳасида инсои ресурсларини самарали бошқаришнинг замонавий тизимлари асосида рақобатбардош кадрлар тайёрлаш ва улар билаи ишлаш механизмларини янада такомиллаштириш, ички ва ташқи меҳнат бозоридаги ўзгариб бораётган конъюнктурага мос равишда кадрлар салоҳиятини доимий ривожлантириш учун зарур бўлган стратегияларни ҳамкорликда ишлаб чиқиш, томонларнинг кадрлар салоҳияти ва тажрибасидаи унумли фойдалаиниш ҳамда бу бўйича таълим дастурларини, мақсадли амалиёт ва стажировка режаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишдан иборат.

2-модда. ҲАМКОРЛИКИИИГ АСОСИЙ ЙЎИАЛИШЛАРИ

Туризм соҳасида фаолият олиб бораётган корхоналар ва ташкилотларни малакали мутахассислар билан етарли даражада таъминлаш, кадрлар малакасини юклатилган вазифалар ва замонавий эҳтиёжларга мос даражага кўтариш, корхона ва ташкилотлар бошқаруви учун истиқболли иқтисодчи кадрлар захирасини шакллантиришда ёшларга замонавий бошқарув тамойилларини пухта эгаллаши учун зарур шарт-шароитлар яратиб бериш ҳамда уларнинг етакчилик қобилиятларини шакллантириш, бўлгуси ёш мутахассисларда юксак касбий ахлоқ-одобни, коррупцияга карши туриш маданиятини ва унга тоқатсиз бўлиш муносабатини шакллантириш, рақобатбардош ва истиқболли кадрлар тайёрлаш

механизмини ишлаб чиқишда ҳамкорлик қилиш имкониятларини муҳокама қилган ҳолда, Томонлар ҳамкорлигининг қуйидаги умумий йўналишлари белгиланди.

1. Таълим ва амалиёт соҳасида:

1.1. Томонлар ўртасида инсон ресурсларини бошқариш соҳасида тажриба алмашинув, инсон ресурсларини ривожлантиришнинг инновацион усулларини жорий этиш ва кадрларнинг профессионал даражасини оширишда методик ҳамкорликни рағбатлантириш.

1.2. “BRILLIANCE TOUR” МЧЖ нинг малакали кадрларга бўлган эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган таълим ва илм-фан соҳасида инновацион ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш.

1.3. “BRILLIANCE TOUR” МЧЖ нинг кадрлар билан ишлаш тизими соҳасида университетнинг илмий тадқикотчилари ва педагог ходимлари, талаба ва магистрантларини “BRILLIANCE TOUR” МЧЖ тизимида стажировкаларини ташкил қилиш.

1.4. Университет бакалавр ва магистратура боскичи талабалари учун “BRILLIANCE TOUR” МЧЖ мутахассислари томонидан амалий дарслар ўтказиш.

1.5 “BRILLIANCE TOUR” МЧЖ ва университет ўзаро келишган ҳолда туризм соҳаси эҳтиёжидан келиб чиқиб ҳамда илғор халқаро стандартлар ва энг яхши хорижий амалиётлар, тажрибалар асосида фаи дастурларини, соҳада илмийлик асосида янги туризм контентлари ва туристик иакетларни ишлаб чиқиш.

2. Илмий-тадқиқот ва ахборот-таҳлил фаолияти бўйича ҳамкорлик соҳасида:

2.1. “BRILLIANCE TOUR” МЧЖнинг университет бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари билан боғлиқ долзарб муаммоли мавзулар, вазиятлар банкини шакллантириш бўйича ҳамкорлик қилиш ва ушбу мавзулар асосида тадқиқотлар олиб бориш.

2.2. “BRILLIANCE TOUR” МЧЖнинг бошқарув соҳасига тааллуқли долзарб муаммоли мавзулар бўйича Университетда докторлик, магистрлик диссертация ишларини бажариш учун мавзулар рўйхатини янгилаб, тўлдириб бориш.

2.3. Университетда “BRILLIANCE TOUR” МЧЖ ходимларининг илмий тадқиқот ишларини олиб боришлари учун шароит яратиш, диссертация ва бошқа илмий ишларига раҳбарлик қилиш, илмий маслаҳатчи бўлиш, илмий ишларга тақризлар бериш.

2.4. “BRILLIANCE TOUR” МЧЖ ходимларига Университетнинг Ахборот-ресурс марказидан фойдалаиш имкониятини яратиш.

2.5. Ушбу ҳамкорлик шартномасида кўзда тутилган йўналишларда “BRILLIANCE TOUR” МЧЖ мутахассисларини жалб қилган ҳолда таълим тренинглари ва семинарлар, карьера кунлари, консультациялар, давра суҳбатлари, конференциялар, кўргазмалар ва бошқаларни ташкил этиш.

2.6. Томонларнинг тегишли талабларига мувофиқ, зарур ҳолатларда ҳар икки томон ҳам, мумкин бўлган алоҳида ривожланиш бўйича келишув билаи янги вазиятларни, ҳолат ва тафсилотларни кўриб чикиши. Томонлар мунтазам равишда учрашиб, заруратга қараб, ҳамкорлик шартномасида кўзда тутилган келгусидаги ҳамкорлик йўналишларини муҳокама қиладилар, давом этаётган қўшма лойиҳаларнинг ҳолатини кўриб чиқадилар ва томонларни қизиктирган масалалар бўйича семинарлар, тадбирлар ўтказиш ва келгусидаги ҳамкорликни амалга ошириш тўғрисида биргаликда қарор қабул қиладилар.

3-модда. МАЪЛУМОТЛАРНИНГ ШАФФОФЛИГИ (ОЧИҚЛИГИ)

3.1.Ушбу ҳамкорлик шартномасининг мақсадларига эришиш учуи томонлар ўз мажбуриятларини бажарадилар:

3.1.1. Ўзаро манфаатли масалалар бўйича ахборот алмашиш, биргаликда маслаҳатлашиш, семинарлар, онлайн тадбирлар ўтказиш, учинчи шахслар билан таълим, илмий-техник ва савдо-молиявий муносабатларии ўрганиш ва бундай алоқалар натижалари ҳакида бир-бирларини хабардор қилиш.

3.1.2. Шартномага жалб этилган интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ва шартномани ижро этишда ҳамкорлик шартномаси иштирокчилари манфаатларининг ҳимоя қилинишини назорат қилиш.

4-модда. ҲАМКОРЛИК ШАРТИОМАСИНИ АМАЛГА ОШНРИШ

4.1. Томонлар ушбу ҳамкорлик шартномаси доирасида амалга оширилган ишлар якуни бўйича маслаҳатлашув, фикр алмашиш, ҳисобот ва маълумотнома беришга розилик билдирадилар.

4.2. Томонларнинг биргаликда олиб бораётган ишларига ёки иш бажарилиш вақтида қўшаётган ҳиссаси кечиктирилса ёки қолдирилса, томонлар юзага келган муаммоларни ҳамкорликда ҳамда муаммоларни ижобий ҳал этишга қаратилган барча мумкин бўлган ҳаракатларни биргаликда амалга оширадилар.

4.3. Ушбу ҳамкорлик шартномаси икки томонлама имзоланган санадан бошлаб ва томонларнинг мажбуриятлари тўлиқ бажарилгунга қадар амал килади. Шу билан бирга Томонларнинг ҳар бири бошқа тарафга ҳамкорлик шартномасини бекор қилиш истагини билдирган санадан икки ҳафта аввал бекор қилиш тўғрисида ёзма хабарнома юбориш орқали, исталган вақтда Ҳамкорлик шартномаси доирасидаги фаолиятини тўхтатишга ҳақли.

4.4. Мазкур ҳамкорлик шартномасини бекор килиш ҳамкорлик шартномаси доирасида амалга оширилган ҳар қандай ҳаракат ёки дастурларга ҳамда томонларнинг мажбуриятлари мавжуд бўлган, бажарилаётган вазифаларга зарар етказмаслиги керак.

4.5. Ушбу ҳамкорлик шартномаси бўйича вазифалар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги форс-мажор ҳолатлари натижасида келиб чиқсаб томонлар бундай бажармаслик учун жавобгар бўлмайдилар.

4.6. Ҳамкорлик шартномасининг бажарилишида “BRILLIANCE TOUR” МЧЖ томонидан _____, ТДШУ томонидан Талабалар амалиёти ва карьера маркази бошлиғи С.И.Махатов (+998 (90) 979-19-07) масъул этиб белгиланди.

4.6. Ҳамкорлик шартномаси “_____” _____ санасида, Тошкент шаҳрида икки нусхада имзоланди. Ҳар иккала иусха ҳам бир хил юридик кучга эга ва тенгдир.

МАИЗИЛЛАРИ ВА ИМЗОЛАРИ

“BRILLIANCE TOUR” МЧЖ	**Тошкент давлат шарқшуиослик университети**
Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани Маҳзуни кўчаси, 21 уй	Тошкент шаҳри, Миробод тумани Амир Темур шоҳ кўчаси, 20 уй
Директор	**Ректор**
С.Нурматова	Г.Рихсиева